

2-26-2020

## CRITERION OF JUSTICE

Shavkat Akhmadovich Hayitov

*department of uzbek literature assoc.prof. cand.philol.sciences, BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the Arts and Humanities Commons

---

### Recommended Citation

Hayitov, Shavkat Akhmadovich (2020) "CRITERION OF JUSTICE," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 37.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/1/11

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/37>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 894.375.(092)

**АДОЛАТ МЕЗОНИ**  
**КРИТЕРИЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ**  
**CRITERION OF JUSTICE**

**Ҳайитов Шавкат Аҳмадович**

БухДУ ўзбек адабиёти каф. доц., фил.ф.н.

**Hayitov Shavkat Akhmadovich**

department of uzbek literature assoc.prof. cand.philol.sciences, BSU,

**Аннотация.** Мақолада Шайх Муслиҳиддин Саъдий “Гулистон”нинг “Подшоҳлар сийрати зикрида”ги биринчи боби, Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб” асари “Халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти” номли биринчи қисмининг “Одил салотин зикрида” деб аталган биринчи фасли ҳамда XI асрда яшаб фаолият юритган давлат ва маданият арбоби Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – Низомулмулк “Сиёсатнома”сида 531-579-йилларда шоҳлиқ қилган Нуширавонул – одил бинни Кубод ҳамда 997-1030-йилларда салтанат соҳиби бўлган Султон Маҳмуд Ғазнавий тимсоллари бадиий инкишоф қилинган ҳикоятлар қиёсий таҳлил қилинган. Асосий эътибор етук ҳукмдор (юртбоши) қиёфаси манзараларини ёритишга қаратилган.

**Таянч сўзлар:** одил, оқил, шоҳ, мамлакат, халқ, тафаккур, мафкура, Шайх Саъдий, “Гулистон”, дарвеш, Алишер Навоий, “Маҳбубул-қулуб”, сиёсат, Низомулмулк, “Сиёсатнома”, Ануширавон, Султон Маҳмуд, Кайковус, “Қобуснома”, Аллоҳ, инсон, комил, ҳикоят, ибрат, манба, тарих, шахс, жой, макон, манзил, вақт, “Сиярул-мулк”, далил, лавҳа, ҳодиса, элчи, минтақа, барқарорлик, ҳудуд, яхлитлик, очиқ, хавфсиз, савдогар, ишонч, лашкар, шажара, Имом Ғаззолий, Хусрав I, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”.

**Аннотация.** В статье сопоставительно анализируются мысли о справедливом правителе изложенные в первой главе Гулистана Шейха Муслихиддина Сади “Памяти царей”, в первой части книги Хазрата Алишера Навои “Махбубул-кулуб” “Воспоминание народа и отношение народа”, в первой главе книги “Политика” Абу Али Хасан ибн Али Тусий Низамулмулка, где рассказывается о Нушираванул-уд бин Кубад, правивший в в 531-579 годах, и о Султানে Махмуд, правивший в 997-1030 годах. Основное внимание фокусируется на освещении образа великого правителя.

**Ключевые слова:** справедливый, мудрый, король, страна, люди, провидцы, Шейх Сади, “Гулистан”, дарвеш, Алишер Навои, “Махбубул-кулуб”, политика, Низомулмулк, “Сиёсатнома”, Анушираван, Султан Махмуд, Кайковус, “Кобуснома”, Аллах, мужчина, идеально, история, примечание, источник, дата, человек, местоположение, время, “Сиярулмулк”, полужирный, событие, посол, регион, стабильность, регион, целостность, открытый, безопасный, торговец, доверие, армия, генеология, Имам Газзали, Хусрав I, “Исторические пророки и судьбы”, “Тарихи мулуки Ажам”.

**Annotation.** The article provides a comparative analysis of the first chapter of “Gulistan” by Sheikh Muslihiddin Sadi about “In memory of the kings”, in the first part of the book “Alisher Navoi” “Mahbulbul-kulub” in the first part of “Meditation on the people and the mood and attitude of the people” in the part “Odil salotin zikrida «and the statesman and cultural figure who lived in the XI century Abu Ali Hassan ibn Ali Tusiy Nizamulmulk in the book» Politics «about the Shah who ruled in 531-579,» Nushiravanul-ud bin Kubad », and about the leader who ruled Sultan Mahmud Gaznaviy in 997-1030. A comparative analysis of the stories that were skillfully embodied in highlighting the image of the great ruler.

**Key words:** fair, wise, king, country, people, seers, Sheikh Saadi, “Gulistan”, dervish, Alisher Navoi, “Mahbulbul-kulub”, politics, Nizomulmulk, “Siyosatnoma”, Anushiravan, Sultan Mahmud,

*Kaikovus, "Kobusnoma", Allah, man, perfect, history, note, source, date, person, location, time, "Siyarul-muluk", bold, event, ambassador, region, stability, integrity, open, safe, trader, trust, army, geneology, Imam Ghazali, Khusrav I, "Historical prophets and judges", "Tarixi mulki Ajam".*

**Кириш.** Имом Ғаззолий талқинича, “Дунё бир беморхона, ер остида фақат ўлиқлар, ер устида эса, беморларгина бор. Қалби хасталанганлар жисми хасталанганлардан кўра кўпроқ. Олимлар табиб, султонлар эса, беморхона бошқарувчиларидир” [9,118]. “Ихёу улумиддин” муаллифининг мазкур фикрлари қуйидаги хулосаларга асос беради:

1. Ҳар қандай жамият одил ва оқил бошқарувга мухтождир.

2. Кишилиқ жамиятидаги ҳар бир давлатнинг бош тарбиячиси ўша мамлакатнинг подшосидир. Мамлакат халқининг маънавий-ахлоқий салоҳияти кўп жиҳатдан юрт бошида турган биринчи раҳбарнинг маърифатига боғлиқ.

3. Давлат ҳаётидаги барча ишлар бош ҳукмдорнинг халқ руҳи, қудрати, орзу-умидларини ўзида мужассамлантирган тафаккури, мустаҳкам эътиқоди, соғлом мафқураси асосида ислоҳ қилинмаса, жиддий ютуқларга эришиб бўлмайди.

Шундан бўлса керак, Шарқ халқлари адабиёти тарихида муҳим ўрин тутган талай насрий асарлар анъанавий-муқаддимавий қисмдан сўнг подшолар сийрати зикри ва талқинига бағишланган боблар, фасллар билан очилади.

Шайх Саъдий “Гулистон”нинг биринчи боби “Подшоҳлар сийрати зикрида” деб номланган. Адиб бобда комил ҳукмдор ҳақидаги қарашларини мўъжаз ҳикоятлар воситасида акс эттирган. Ҳаётини лавҳаларда мамлакат ва давлат арбобининг ахлоқий-маънавий қиёфасига дахлдор кўпгина муҳим нуқталар ўз тажассумини топган. Шайх Муслиҳиддин Саъдий талқинича, подшоҳ ҳамиша огоҳ бўлмоғи, халқнинг тинч, осуда ҳаётини таъмин этмоғи зарурдир. Улуғ адиб ҳикоятларида аксарият ўринларда шоҳ ва дарвеш тимсоли ёнма-ён келади. Ўз қадр-қиммати, ор-номусини ҳар қандай моддий манфаатдан баланд қўйган ҳиммати баланд дарвешлар фавқулудда жасорат билан ҳақ сўзни олий ҳукмдорга айта олганлар. Уларнинг сиртдан қараганда маломат уйғотадиган хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатларида ҳам катта ижтимоий-фалсафий маъно, ҳикмат яширинган.

Шайх Саъдий ҳикоятларидан бирида нақл қилинишича, сайр қилиш муродида сахрога чиққан подшоҳ бир гўшада танҳо ўтирган дарвешга юзма-юз келиб қолади. Мувоқабатга берилган дарвеш шоҳ томонига эътибор этмайди. Унинг бу илтифотсизлиги натижасиз қолмайди: “Подшоҳ андин ранжида бўлиб, деди: “Мундоқ хирқапўш тоифа ҳайвон янглиғ бўлурлар, ахлият ва одамиятни билмаслар” [6,34]. Шоҳ тилга олган дарвеш хирқаси аслида Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг ўз таъбири билан айтганда – “қаноат ва чидам либоси”. Уни қийган киши шикоят тангдилликдан ҳазар қилади, у ҳар бир зулмга сабр-тоқат билан бардош беради, сукут сақлайди. Гўё ана шу сукути билан дарвеш бошқаларга маънолик бир жавобни ифода этади... Зеро, “маърифат гапиришдан кўра сукутга яқинроқдир” [8, 178].

Дарвешнинг боши устида пайдо бўлган вазирлардан бири ундан нега шоҳга нисбатан ҳурмат ва адаб шартини бажармаганлигининг сабабини суриштиради. “Дарвеш деди: “Подшоҳга айтғилким, иззат ва хизматни андоқ кишидин кўз тутсунким, ул марҳамат ва неъмат кўз тутгусидир ва яна улким, подшоҳ раийят посбонлиги учундир, аммо раийят подшоҳ хизмати учун эрмастур”. Қитъа:

Подшоҳ дарвеш учундир посбон,  
Йўқки маҳз давлату шавкат учун.  
Балки қўй чўпон учун эрмастурур,  
Балки чўпондур онга хизмат учун [6,34].

Дарвешнинг жавоби теран фалсафа, аччиқ ҳаёт сабоғи билан йўғрилган. Одамнинг одамга илтифоти, “иззат ва хизмат”и манфаатдорлик, мутеълик ва қарамлик, ҳоқиму маҳкумлиқ туйғусидан холи бўлмоғи даркор. Таъмағирлик заминида куртак отган ҳурмат-эътибор оқибат заволга юз тутади. Шундай экан, дарвеш наздида, мамлакат ҳукмдори рост билан ёлғонни, ҳақ билан ботилни барчадан кўра чуқурроқ мулоҳаза эта олиши зарур.

Дарвеш жавобининг иккинчи қисмида подшоҳ фаолиятининг ўзак нуқтаси ўз ифодасини топган: шоҳ халқ ҳаёти, халқ манфаатлари, халқ ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.

Дарвеш “қисса”сининг “ҳисса”си тарзида иншо этилган қитъанинг кейинги икки сатрида мумтоз адабиётимиздаги анъанавий тасвирий воситалар (қўй ва чўпон, халқ ва подшоҳ) ёрдамида қаламга олинган мавзунинг ғоявий-бадий, маънавий-маърифий салмоғи янада оширилган.

Қитъа дастлабки икки мисрасининг маъно камрови яна ўзига хос, унда одил ҳукмдор фаолиятининг тағин бир муҳим қирраси нозик ифодасини топган. Подшоҳ ўз мулку давлати, шону шавкати муҳофазаси учун эмас, балки дарвеш тимсолида эл истиқболи учун қайғуриши керак, деган фикр сатрлар мағзига сингдирилган.

Алишер Навоий “Маҳбул-қулуб” асарининг дастлабки фасли ҳам подшоҳ зикрига бағишланган. Улуғ ўзбек адиби фасл сарлавҳасидаёқ асосий эътиборни подшоҳ фаолиятининг ўзак масаласига қаратган. Биринчи фаслга “Одил салотин зикрида” деб сарлавҳа қўйган. “Одилу оқил” сўзлари билан бошланган сарлавҳа остидаги дастлабки жумлалар фасл мундарижасига асос солади ҳамда катта ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, бадий-фалсафий мушоҳадаларга замин яратади. Дастлабки жумлалар қатида аслиятда келтирилган оят ва ҳадис намуналари бадий матнга жило бериб, ички маънога ана шундай қўп оҳанглилик, теранлик бағишлаган [10:16-18,56-57].

Шайх Саъдий ҳикоятининг хулосаси – қитъа таркибида келган анъанавий ташбеҳлар эса “Одил салотин зикрида”ги фаслда қуйидагича, ўзига хос ғоявий-бадий жилода акс этган: “Ҳиросатидин қўю қўзи бўри хавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин” [3,12]. “Гулистон”дан келтирилган қитъа мағзидаги ғояни Алишер Навоий сажъли жумланинг дастлабки ярмида моҳирона бера олган. “Маҳбул-қулуб”дан кўчирилган жумла баҳс юритилаётган қисмининг ўзига хослиги яна шундаки, адиб қўй тимсоли билан ёнма-ён бўри тимсолини ҳам келтириб, бениҳоя сиқик бир ифодада истиора ва тазод санъати имкониятларидан усталик билан фойдаланганки, бу шоҳга хос васф қилинаётган хусусиятнинг аҳамияти ҳақида ёрқин тасаввур пайдо қилади. Фикрнинг ҳар томонлама, атрофлича асосланишига олиб келади.

Алишер Навоий таҳлил қилинаётган жумла таркибидаги сажъланган қаторларни “ҳиросат” (хайбат, маҳобат) ва “сиёсат” сўзлари билан бошлаб, ўз фикрларининг таъсирчанлигини, бадииятини беҳад юқори даражага кўтарган. Бунда фақат фикр равонлиги ва ўқувчи томонидан унинг осон ўзлаштирилишигина таъминланмаган, балки асосий эътибор подшоҳ табиатида бўлиши зарур бўлган ўша икки хислат-хусусиятга тортилган. Улуғ адиб айтмоқчики, мамлакат сарваридида маҳобату сиёсат бўлмаса, давлат бошбошдоқликка юз тутари. Унда фаолият юритаётган ҳар бир кичик амалдор ўзини “ҳокон” ҳис қилиб, олий ҳукмдор фармонида кўра эмас, ҳавойи нафси тақозоси билан иш кўради.

Ҳиросат” ва “сиёсат” сўзлари билан бошланган сажъланган қаторлар мусажжаъ унсурлари “эмин” ва “мутмаин” маънодош калималари билан яқунланган. Улуғ ўзбек мутафаккири бадийлик ва ғоявийлик мезонларига қатъий амал қилган. Сажъ ҳосил қилувчи калималар воситасида комил ҳукмдор фаолиятининг яна бир энг муҳим қиррасини шаффоф кўзгуда кўрсатган. Бу мамлакат ҳудудининг беҳатарлиги, дахлсизлигини таъминлашдир.

Шоҳ мамлакатда барқарор мувозанатни сақлай олмаса, турли эзгу мақсадлар билан юртга келган ўзга давлатларнинг фуқаролари йўлларда беҳавф юра олмасалар, халқ таҳликалар гирдобидида яшаса, юрт иқтисодиёти издан чиқади, маънавият таназзулга учрайди.

“Маҳбул-қулуб”дан кўчирилган жумланинг иккинчи қисми мағзида турган моҳият “Гулистон”да маҳсус бир ҳаётий лавҳада берилган. Шайх Саъдий ҳикояти қуйидаги жумла билан очилади: “Араб ўғриларида бир тоифа бир улуғ ва баланд тоғнинг устида маскан қилиб, қарвон йўлини боғламыш эдилар” [6,13]. Қароқчилар гуруҳи нафақат савдо аҳлига, балки бутун халққа катта зарар етказади. Йўлтўсарлар жойлашган пистирма тоғнинг баланд чўққисидида, ҳарбий жиҳатдан қулай ва мустаҳкам маконда жойлашгани учун шоҳ қўшини ҳам улар билан жанг қилиб енга олмайди. Оқибат, халқ оқиллари ва жанг кўрган тажрибали эл

вакиллари иттифоқ тузиб, машварату маслаҳатлар қилиб, қароқчилар зулмидан қутулиш чорасини излаб топадилар. Оқиллар тадбири ва довжуррак йигитлар шижоати билан қароқчилар гуруҳи маҳв қилинади.

Айни мавзу XI асрда яшаб фаолият юритган давлат ва маданият арбоби Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ўзига хос йўсинда қаламга олинган. “Сиярул-мулк”да айни масала талқинига бағишланган ҳикоят бошқа насрий асарлар бағрида келтирилган ҳаётий лавҳалардан услубий жилоси, ғоявий мазмуни, тимсоллар олами ва айрим ўринларда муаллифнинг шартли тасвирга рағбат кўрсатганлиги нуқтаи назаридан ажралиб туради. Унда нақл қилинишича, Султон Маҳмуд Ироқ вилоятини забт этганида бир аёл унинг олдига бориб қароқчилар зулмидан шикоят қилади: “Ўғрилар менинг нарсаларимни Кажин работига олиб кетдилар. Молларимни улардан қайтиб олиб бер ё товонини тўлагин” [5,70]. Шоҳ ва кампир орасидаги мулоқотдан аён бўладики, йўлтўсарлар Кўчи балуж авлодидан бўлиб, улар қарор тутган макон Кирмон вилоятига яқин экан.

Султон Маҳмуд Кирмон вилояти жуда олисда жойлашганлиги, уларга фармони ўтмай қолиши мумкинлигини айтиб, кампирнинг дахмасидан осон қутулмоқчи бўлади. Аммо муштипар аёлнинг аччиқ танбеҳи жаҳонгир Султоннинг қалбини ларзага солади. Кампир унга шундай дейди: “Сен қандай жаҳон подшоҳисанки, ўз мартабанга ярамайсан, сен қандай чўпонсанки, кўйни бўридан сақлолмайсан?!” Маҳмуднинг кўзларига ёш келди ва у деди: “Тўғри айтасан, нарсаларингнинг товонини сенга бераман ва кўлимдан нима келса, қиламан” [5,70].

Қалб кўзи очиқ амалдоргина аччиқ ҳақиқатни мана шундай тан олиб, халқ иродасига бўйсуниб иш тутишга қодирдир. Маълум муддат ғазнавийлар саройида хизмат қилиб эътибор қозонган, кейинчалик умрининг охирига қадар узоқ йиллар давомида салжуқийлар давлатининг нуфузли ҳукмдори сифатида бир қатор бунёдкорлик ишларини амалга оширган Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий Низомулмулк (1018-1092) Маҳмуд Ғазнавий шахсига катта эҳтиром билан қараган. “Сиёсатнома”даги қуйидаги таъкидлар айни масала хусусида янада ёрқинроқ тасаввур пайдо қилади: “Исломот оламида энг биринчи бўлиб Султон номини Маҳмуд ўзига берган экан. Шундан бу суннат бўлиб қолди. У Худони севувчи ва илмининг дўсти, одил, жавонмард ва уйғоқ, покдин ва ғозий шоҳ эди” [5,55].

“Қобуснома” саҳифаларида Унсурул Маолий Кайковус ҳам Султон Маҳмудни юксак ихлос ва муҳаббат билан одил ва оқил шоҳ сифатида талқин қилади. Кўҳна тарих қатламларида ўчмас излар қолдирган Маҳмуд Ғазнавий фаолиятида ибратли жиҳатлар бўлганлиги, шубҳасиздир. Аммо “Сиёсатнома”, “Қобуснома”, “Гулистон” сингари асарларда тарихда ўтган шоҳлар фаолиятининг турли нуқталари таҳлил қилинар экан, уларда ҳаётий ҳақиқатга нисбатан бадиий ҳақиқат, файласуф адиблар эзгу орзуларининг бадиий инкишофи кенгроқ ўрин тутишини назардан узоқлаштирмаслигимиз зарур.

Таҳлилга тортилган парчаларда кузатилганидек, “Сиярул-мулк”да ҳам кўй, чўпон, бўри тимсолларига шоҳ ва райят муносабатларига бағишланган ҳикоятларда бир неча ўринда воқеалар ривожини, тасвир ҳолатига қараб турлича услубий жилоларда мурожаат қилинади.

Султон Маҳмуд адолатни қарор топтириш, кампир истагини қондириш учун Кирмон вилоятининг амири Абу Али Илёс номига мактуб йўллаб, элчи юборади: “Шундай вақтда менга маълум бўлдики, Кўчи балуж деган қавм Дайри Кажин работига бостириб кириб, нарсаларни олиб кетмишлар. Сен уларни ушлаб, нарсаларни қайтариб олишингни ёки ўзларини арқонга боғлаб, ўғирлаган моллари билан шахримизга юборишингни истайман, токи Кирмондан менинг вилоятимга бостириб киришни ўйламасинлар...” [5,72].

“Сиёсатнома” таркибидаги ҳикоятларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда ёритилган воқеалар, ахлоқий-маънавий ибратлар ҳамини аниқ манба ва тарихий шахсга нисбат берилди. Жой, макон, манзил, вақт аниқ кўрсатилади. Бундай усул асарнинг ҳаётийлиги, бадиий таъсир кучини оширади. Адиб далил, лавҳа ва ҳодисаларни ҳаётий заминда, бор ички зиддияти билан табиий тасвирлайди.

Султон Маҳмуднинг мактубини олган Кирмон ҳокими жаҳонгир Султон маҳобату сиёсати қаршисида зир титрайди. Элчига марҳаматлар кўрсатади. Аммо уни совға-саломлар



билан Маҳмуд ҳузурига қайтарар экан, танг вазиятни ҳеч қандай бўямасдан, қандай бўлса, шундайлигича Маҳмуд Ғазнавийга рўйи рост ошкор қилади: “Ўзим ҳам улардан безор бўлганман, чунки улар ўғри ва фасодчилардир, икки юз фарсанг келадиган йўлларни тўсиб қароқчилик қилиб юрадилар. Жуда ҳам кўпчилик, мен уларга бас келолмайман” [5,72]. Абу Али Ил’ес Султон Маҳмуднинг ўзи агар қароқчилар офатидан қутулиш тадбирини қилса, у ҳам ўз лашкари билан хизматга тайёр эканлигини билдиради.

Низомулмулк томонидан ёзиб қолдирилган бундай талқинлар минтақада умумий хавфсизлик ҳамда барқарорликни сақлаш, ҳудудий яхлитлик ҳамда чегаралар дахлсизлигини таъминлаш учун манфаатдор мамлакатларнинг ҳамкорлик қилиши туркий давлатлар тажрибасида қадимдан мавжуд эканлигини кўрсатади.

Кирмон йўлларининг очик ва хавфсизлигини таъминлашга қаттиқ аҳд қилган Маҳмуд Ғазнавий Кўчи балуж қароқчиларини тор-мор қилиш режасини пухта ўйлайди. “Кирмон тарафга йўлга чиқаётган савдогарлар тайёргарлик кўриб, молларини жойлаштирсинлар. Мен кафил бўлиб, ваъда бераманки, агар Кўчи балуж ўғрилари уларнинг молларини тортиб олишса, мен хазинадан товон тўлайман”, - деб оламга жар солдиради [5,725]. Ҳар тарафдан кўплаб савдогарлар йиғилгач, шоҳ ишончли бир амирга бир юз эллик аскар билан уларни кузатиб боришни топширади. Кирмон лашкари енгилга ожиз бўлган қароқчилар гуруҳини бир юз эллик суворий билан маҳв қилиб бўлмаслиги савдогарларга ҳам аён эди.

Шунинг учун ҳам Султон уларнинг кўнглига қуйидаги “ёлғон ваъда” билан таскин беради: “Хотиржам бўлинглар, мен кетингиздан лашкар юбораман” [5,73]. Ҳикоятдаги кейинги воқеалар ривожини генетик-шажаравий жиҳатдан “Минг бир кеча” туркумидаги “Али бобо ва қирқ қароқчи ҳамда каниз Маржона” эртаги каби эпик жанр намуналарига боғланади ва мароқ билан ўқилади. Султон Маҳмуд сафар олдидадан жамоага йўлбошчи этиб тайинланган амирни махфий қабул қилиб, бир шишада унга ўткир заҳар беради ва буюради: “Исфаҳонга етганингдан сўнг ўн кун ўша ерда манзил тут,... шу ўн кун давомида ўн хирвор Исфаҳон олмасидан сотиб ол. Олмаларни туяларга юклаб, жўнаш вақтида савдогарлар карвонига қўшилиб борасан. Ўша манзилга етиб келганингда ҳамма олмаларни чайлага олиб бориб тўк. Ҳар бир олмани бигиз билан тешиб заҳарлаб қўйгинда... эртасига саватларни туяларга юклаб, карвон билан йўлга чиқ. Ўғрилар карвонга ҳужум қилсалар, сен улар билан урушма... қуролланган ҳамма суворий ва пиёдаларни олиб, орқага қайт. Бирор соат кутиб туриб, қайта ўғриларга ҳужум этасан. Ишонаманки, кўплари олмани еб ҳалок бўладилар” [5,73].

Султоннинг кўрсатмаси бўйича ишлаган амир карвон йўлини тўсган тўрт минг кишилиқ қароқчилар гуруҳини ҳамда Кирмон ҳокими Абу Али Ил’ес билан ҳамкорликда ўғрилар қароргоҳи – Кўчи балуждаги ўн минг ўғрини маҳв қилади. Улар томонидан зўравонлик билан халқдан тортиб олинган бойликларни қўлга киритиб, Султон Маҳмудга юборади. Шоҳ фармони билан Кўчи балужда жабр кўрганларнинг мулки ўзига қайтарилади. Кўрилган қатъий чоралар натижаси ўлароқ шу воқеадан сўнг эллик йил давомида Кўчи балуж авлодининг бирор кишиси бошида қароқчилик фикри пайдо бўлмаган экан. “Сиёсатнома”дан ўқиймиз: “Сўнгра Маҳмуд ҳамма жойга соҳибхабар ва мунҳийларни қўйди. Шу билан у бирор киши ноҳақлик билан бировнинг бир товугини тортиб олса ёки бирор кишини бекорга хафа қилса, Ғазнинда туриб хабардор бўларди ва унинг жазосини берарди” [5,76].

Мазкур иқтибос мантиқи, Низомулмулк асари номи ва бутун “Сиёсатнома”даги ўнлаб ҳикоятлар мағзидан жамиятни одил ва оқил бошқарувга хос муҳим бир тамойил бош қон томиридай ўтадики, бу сиёсатдир. Шоҳ қаттиқ сиёсат юргиза олиши ва у ундан ўз ўрнида истифода эта олиши даркор. Подшоҳ – ҳушёр, зийрак, узоқни кўрувчи, буюк сиёсатчи бўлиши зарур. Шундагина у элнинг мол-мулки, номус ва нуфузини ҳимоя қила олади. Одил шоҳ сиймосига хос мазкур ҳақиқат “Маҳбул-қулуб”да қуйидагича бадиий умумлаштирилган: “...хайбатидан йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синуқ ва ситамкорлар алами йиқуқ” [3,12].

Унсурул Маолий Кайковус “Қобуснома”нинг “Подшоҳлик шарти ва расми зикрида”ги қирқ иккинчи бобида ёзади: “Бас, эй фарзанд, ҳар бир подшоҳнинг ҳукми юрмаса, у подшоҳ эмасдур ва подшоҳлик фармон раволикка вобастадур. Фармонни раво қилдирмоқ сиёсат била бўлур. Демак, сиёсат қилмоққа камчиликка йўл қўймоқ яхшимас” [1,150].

Биз мурожаат қилган насрий асарларнинг аксариятида одиллик ва адолат мезони хусусида фикр юритилар экан, Нўширавони одил сиймоси четлаб ўтилмайди. Бир қатор илмий, тарихий китоблар шаҳодатиға кўра, Эронда сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги нисбатан узоқ даврни (226-651) камраб олади. Тарихда Хусрав I номи билан қолган Ануширавон Сосоний бинни Қубод шу сулола вакилидир. У 531-578 йилларда ҳукмронлик қилган. Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида бу ҳукмдор номини ҳурмат билан тилга олган [4,194]. “Тарихи мулуки аҷам”да унинг ҳаётидан ибратли лавҳалар келтирган. Теран маънавий-маърифий аҳамиятга молик пандларидан намуналарни ўқувчилари ҳукмиға ҳавола этган [4,241-244]. “Маҳбубул-қулуб”да эса Ануширавон пандлари туркумида, лўнда хулосалар шаклида Шарқ адабиёти саҳифаларида яшаб келаётган ўнлаб ҳикматлар кенг миқёсда талқин қилинган [10,85-86].

“Сиёсатнома”да ҳам Ануширавоннинг одиллик ва адолат мезонига қатъий риоя этганлиги рангин ҳикоятлар воситасида ёритилади.

Юқорида “Маҳбубул-қулуб”дан келтирилган иқтибосда шоҳ сиёсати мамлакатда фаолият юритаётган каттаю кичик амалдорлар ва бошқа ҳар хил куч-қудрат соҳибларини ожиз-нотавонларға, бева-бечораларға, умуман, оддий халққа зулм-зўравонлик ўтказишдан сақлаб туриши керак, деган талаб жумла ички мантқиқига сингдирилган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўша иқтибосдан кейинги жумлаларда одил подшоҳ қаламравидаги шаҳарларда яшовчи халқнинг кўтаринки руҳияти тасвирини берган. Тун бўйи савдо дўконларида чироқ ўчмаслиги, олди-сотди қилувчиларнинг қалби ҳар қандай хавф-хатардан холи эканлигидан тортиб, кечаси билан турк аёлларининг алласи тинмаслигигача адиб эътиборидан четда қолмаган.

Низомулмулк талқинича, подшоҳ ғафлатда қолмай, яширинча ва ошқора халқ ҳолидан огоҳ бўлса, мамлакатда бедодликка ва золимлар зулмиға йўл бермаса, халқ шоҳни дуо қилади ва ана шу эзгу истак шарофатидан “унинг девонида буюк савоблар жам бўлади” [5,20]. Низомулмулк элнинг “Олтин олма, дуо ол” мақолини одил подшоҳ фаолиятиға бир оз умумий йўсинда татбиқ этади. “Маҳбубул-қулуб”да халқнинг мазкур ҳикмати Шарқ халқлари этнографияси ва миллий-касбий хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича бадий инкишоф этилган: “Ажузлар чарх уни мадди била анинг дуосиға нағмасоз ва канизаклар момуқ сабамоқ кўси уни била анинг олқишиға нағмапардоз” [2,56].

Ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам аёллар қариган чоғларида уларнинг ёшлари ва кучларига мос ишлардан бири чарх йиғириш бўлган. “Одил салотин зикрида”ги фаслдан келтирилган сажъланган жумланинг дастлабки қаторида айнан шу ҳаётий жараён қаламга олинган. Алишер Навоий кампирлар ип йиғирар эканлар, чархнинг овозиға жўр бўлиб, одил подшоҳ ҳақиға дуо ўқийдилар, дея таъкидлайди. Жумланинг иккинчи қисмида эса улуғ адиб истиора санъати имкониятидан усталик билан фойдаланиб, адолатли подшоҳни мадҳ этиш баробарида, унинг мамлақатида яшаётган канизакнинг санъаткорлиги, чеварлиги, ўз ишиға ихлос ва эътиборини таъриф этган.

Пахта саваш учун ишлатиладиган, қамишдан тайёрланган “савағич” (“момуқ сабамоқ кўси”) шакл, бошқарилиш усули ва вазифаси жиҳатидан ноғора чўпиға монанд. Мана шу умумий жиҳатлар истиора учун асос бўлган. Канизакнинг кўлидаги “сози” подшоҳ саройида чалинадиган ноғора сингари руҳбахш овоз таратади. Бу овоз ва оҳанг ўз “чолғувчи”сини ҳам мафтун этади. Канизак “соз”нинг (“момуқ сабамоқ кўси”нинг) овозиға жўр бўлиб, кўшиқ айтади. У ўз кўшиғида мамлакат тинчлиги ва ободончилиги, халқ хотиржамлигининг боиси оқил ва одил подшоҳни олқишлайди. Алишер Навоий талқинича, амалдор ва оддий фуқаро икки (манфий ва мусбат) кутбға ажралиб қолмаслиги, оддий хизматкор аёл ҳам подшоҳдан рози, у амалға ошираётган тадбирларға хайрихоҳ, адолатли ҳукмдор қўл остидаги мамлакатда ўз инсоний нуфузи, шаъни қадрланаётганлигини ҳис қилиб яшаши ва фаолият

юритиши зарур. Оддий хизматкордан шоҳгача мақсади бир, интилишлари якдил бўлсагина мамлакат тараққий қилади.

“Сиёсатнома”да талқин қилинишича, адолат Нўширавоннинг табиатида ёшлик йилларидан қарор тутган эди. У ўн саккиз ёшида тахтга ўтирар экан, аввало, отасининг давлатдорликдаги қусурларидан ўзи учун сабоқ чиқаради: “Отам заиф табиатли... эди. Ёлғонга тез алданарди... Сийму зарларни яхши кўрганидан... пораларни рад этмади” [5,39]. Собиқ шоҳ табиатидаги айни ноқисликлар боис мамлакатдаги ҳар бир амалдор, мулкдор, мансабдор “ўзи хон, кўланкаси майдон” қабилида иш тутди. Юртда зўравонлик, ноҳақлик расмиятга айланади. Жойларда айрим мулкдорлар камбағалнинг сўнгги бурда нонини тортиб олишдан ҳам ор қилмай қоладилар.

Янги подшоҳ ҳокимият тепасига келгач, отаси шоҳлиги давридаги “катта”ларнинг мансаби ва мулкани аввалги ҳолида сақлаб, уларнинг виждонини, иймонини уйғотиш билан мамлакатда адолатни қарор топтирмакчи бўлади. Аммо орадан кечган уч-тўрт йил давомида ҳеч нарсага эриша олмайди. Янги шоҳнинг шахсий ибрати ҳам, унинг тошни эритишга қодир амри маъруфу ваъз-насихатлари ҳам дийдаси қотган амалдорларни ҳамда мулкдорларни заррача бўлсин инсофга келтирмайди. Мамлакатда вужудга келган танг вазиятдан, эл-улус тақдиридан қаттиқ изтироб чеккан ёш ҳукмдор барча мулкдор ва мансабдорларни саройга йиғиб, уларнинг олдида таъсирчан нутқ сўзлайди.

Шоҳ нутқида ўз даври мафқураси ва тарихий шароити мантиқидан келиб чиқиб, Қуръон ва Ҳадислар мағзидаги инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда мамлакатдаги ички вазиятни чуқур таҳлил қилган. Аҳамиятига кўра Нўширавон нутқидан кичик бир иқтибос келтиради: “Сизларнинг бедодликларингизу шумлигингиз менинг обрўйимни туширишини истамайман... Савоб ила иш тутинглар, бедодлигу хиёнат, кўрнамаклик мулкка завол келтириб, неъматларни йўқ қилади. Тангри халқига яхшилик қилинг, раиятга қаттиқ тегманг, заифаларга азоб берманг... Аллоҳни ўзимга гувоҳ қилиб онг ичаманки, агарда бирор киши шу тариқатга хилоф иш тутса, ҳеч раҳм қилмайман”. Ҳамма унинг гапини қабул қилиб: -Шу фармонга амал қиламиз, -дейишади. Бир неча кун ўтиб ҳамма ўз вазифасига қайтгач, яна зулму ситамга қўл чўзади... Шу аҳволда яна беш йил ўтади” [5,40].

Узоқ йиллар давлат ва жамият бошқарувининг олий поғонасида фаолият юритган ҳикоят муаллифининг ҳаёт сабоқлари ҳамда ҳикоят қаҳрамонининг нутқи моҳиятидан келиб чиқадиган хулоса шуки, агар амалдор қалбида Аллоҳдан кўрқиш ва халқдан уялиш туйғуси бўлмаса, уни сўз билан тўғри йўлга солиб бўлмайди.

Маҳмуд Ғазнавий билан боғлиқ ҳикоятда халқнинг тинч ҳаётига таҳдид солаётган қароқчилар офатини бартараф этиш учун шоҳнинг жиддий ишга киришишига бир кампир сабабчи бўлган эди. Таҳлил қилинаётган ҳикоятда ҳам шоҳ ва кампир образи ёнма-ён келади. Ҳикоятнинг юқорида келтирилган иқтибосдан кейинги қисмларида воқеалар ривожини кампир сиймоси билан боғланади.

Мамлакатга бош ҳукмдор бўлиш бениҳоя масъулиятли иш. Низомулмулк ҳикоятдан ҳикоятга ўтган сайин ана шу масъулиятнинг янги бир қиррасини ўзига хос талқинда кўрсата боради. Давлат ва халқ манфаатларини кўзлаган муаллиф сиймоси асардаги фасллар, ҳикоятлараро мантиқий алоқадорликни таъмин этган.

Нўширавон қаламравидаги мамлакатда кимсасиз бир кампир бўлиб, унинг тирикчилиги бир парча еридан ўтган. Кампир яшаётган вилоятда иқтисодий жиҳатдан шоҳдан-да қудратлироқ мавқеда турган бир лашкарбоши шу заифа ерида ўзи учун боғ ва дам оладиган қаср қуриш фикрига келади. Ва кампирдан ерни ўзига сотишини талаб қилади. Кампир рози бўлмагач, зўравонлик билан ерни тортиб олиб, ўз мақсадини амалга оширади. На ернинг баҳосини, на унинг эвазига ер беради. “Ахир шунча буюклиги билан бу Нўширавоннинг хизматкори холос-ку”, -[5,41] деган фикрни кўнглидан кечирган ҳикоят қаҳрамони шоҳнинг қабулига бориб, ўз аҳволини унга маълум қилишга аҳд қилади. Саройга кира олишига кўзи етмаган кампир минг азобу укубатлар билан шоҳ ов қиладиган манзилга етиб, бир бута ортида яшириниб тунни ўтказади. Овда шоҳни ёлғиз учратиб, унга ўз қиссасини баён қилади.



“Маҳмуд Ғазнавий ва кампир” (муаллиф ҳикоятларга сарлавҳа қўймаган, биз шартли равишда уни шундай номладик) ҳикоятида Кампир шоҳга қўйган талаб оғир эди. Бу оғирлик халқ мулкига чанг солаётган қароқчилар гуруҳининг Маҳмуд ҳукмдорлик қилаётган худуддан узоқдалиги ва уларнинг мамлакат чегарасидан ташқарида макон тутганлиги билан белгиланар эди. Аммо вазият қанчалик оғир бўлмасин, ҳикоят мантиқидан англашилиб турадики, Султон Маҳмуд тажрибали, кучли ва хорижий мамлакатларнинг шоҳларига сўзи ўтадиган подшоҳ эди. Эндиги вазиятда эса кампирнинг такдири (шу билан бирга кампир тимсолида бутун халқ қисмати) ёш, тажрибасиз, бойлик қутуртириб, босар-тусарини билмай қолган мулкдорлару амалдорлар билан бир амаллаб, муросою мадора қилиб ишлаётган шоҳ кўлида қолади.

Ҳаётни мана шундай бор мураккабликлари билан тасвирлаш замирида қирқ йилга яқин ғазнавийлару салжуқийлар саройида расмий лавозимларда ишлаган адиб ҳаётий ҳақиқат ва ўша тарихий лавҳалардан келиб чиқадиган улугъ эзгу мақсад асосида комил жамиятни барпо этиш, давлат ва уни тутиб туриш, мамлакатда адолату диёнатни қарор топтириш ниҳоятда қийин жараён эканлигига эътиборни тортади. Шу асосда подшоҳ табиатида кузатилиши зарур бўлган етакчи хусусиятлар – вазминлик, огоҳлик, синчковлик, тадбиркорлик алоҳида таъкидланиб, бўртириб кўрсатилади.

Овдан қайтган Нўширавон адолатни юзага чиқаришнинг йўл-йўриғини ўйлаб, узоқ мулоҳаза юритади. Наҳот, минг-минглаб пулга, зеб-зийнатларга, олтину кумушга эга бўлган, Хуросону Ироку Озарбайжоннинг барча шаҳру ноҳияларида “мулку кишлоғи, тегирмону карвонсаройи, ҳаммому ғаллазор ери”, ўттиз минг чорва моллари бўлган, ҳар куни йигирма хил таом ейишга имкони бўлган сарватманд давлат кишиси нотавон заифани бир бурда курук нонидан ҳам маҳрум қилса!

Сиртдан караганда, юксак мартаба, чекланмаган ҳақ-ҳуқуқ соҳиби подшоҳ жинояти аниқ кўриниб турган кўл остидаги амалдорларга нисбатан тезкорлик билан кескин чора кўриши мумкин эди. Аммо адиб томонидан шундай йўл тутилганда адолат мезони бузиларди. Подшоҳ ўз вазифасини суиистеъмол қилган, амалдорининг шахсий нуфузи, инсоний ҳуқуқларини менсимаган бўлур эди. Зеро, комил жамиятда мансаб ва мавқеидан қатъий назар, барча қонун олдида баробар бўлмоғи лозим.

Нўширавон ишончли одамларидан бирини хуфёна қабул қилиб, воқеа содир бўлган жойга, кампир қиссаси ҳақиқатини аниқлашга йўллар экан, унга шундай дейди: “Фалон шаҳар ва фалон маҳаллага бориб, йигирма кун яшаб, ўзингни одамларга: ”Мен қочиб кетган кулни қидираяпман”, - дегин. Кейин ҳар хил одамлар билан ўтириб кўр ва улар билан яқинлаш... “Шу маҳаллада бир кампир бор эди, номи фалон, у қаерда экан, ҳеч кўринмайди”, - деб сўра. Нима дейишса эшитиб, ёзиб ва бу хабарни келтир. Сени шунинг учун юбораёпман. Аммо саройда сени чақириб, ҳамманинг олдида баланд овоз билан: -Бориб хазинадан нафақангни ол ва Озарбайжонга бориб, қайси шаҳару ноҳияга борсанг, бу йил ғалла ва мева ҳосили қандай бўлганини сўра, қандай табиий офат текканини аниқлаб ол ҳамда яйлов ва ов қилиш жойларининг ҳолидан хабар олиб кел”, - дейман [5,43].

Маҳмуд Ғазнавий ҳам Кўчи балуж офатини бартараф қилиш учун юбораётган вакилини яширинча ҳузурига чорлаб, топшириқ берган, асл мақсадни бошқалардан сир тутган эди. Султон Маҳмуд ҳаётдан келтирилган лавҳада кузатилгани каби мазкур ҳикоятнинг ҳам ечими “Али бобо ва қирқ қароқчи ҳамда каниз Маржона хусусида муфассал эртақ”даги айрим воқеалар билан уйғунлик касб этади. Султон Маҳмуд тузган тадбир асосида ишлаган карвонбоши қароқчилар гуруҳини ҳеч қандай қаршиликсиз заҳарланган олмалар воситасида ўлдиради. Каниз Маржона эса қиздирилган ёғни қароқчилар яшириниб ётган мешларга қуйиб чиқиш билан Алибобо ва унинг оиласини ҳалокатдан осон сақлаб қолади.

Бу иккала асардаги айни тасвирлар бир-бирини қанчалик эслатиб турмасин, қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган макон ва душманни маҳв этиш усули жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, Низомулмулк ҳикоятида тадбирнинг ижодкори ва амалга оширувчиси бошқа-бошқадир. “Минг бир кеча” туркумига кирган ҳикоятда эса “назариётчи ҳам, амалиётчи ҳам” каниз Маржонанинг ўзи ҳисобланади.

Эртақда қароқчилар гуруҳининг бошлиғи ўз мақсадини амалга ошириш учун халқ орасига “савдогар” қиёфасида кириб келади. Таҳлил қилинаётган ҳикоятда Нўширавоннинг вакили сарой аҳли назди-назаридида вилоятда “ғалла ва мева ҳосили қандай бўлганини текширувчи”, маҳаллий аҳоли тасаввурича эса “қочоқ қулни изловчиси” сифатида намоён бўлади. Қаҳрамонлар ўз олдида кўйган мақсад моҳиятидан келиб чиқиб, муаммонинг ечими эртақда кўпроқ, ҳикоятда нисбатан қисқа бадиий вақтни талаб қилади.

Султон Маҳмуд ва канизак Маржона тузган тадбирлар якунидан кузатилган натижа эзгуликдир. Нўширавони одил барчадан яширин тутган сирнинг тагида адолат уруғлари кўкаради. Савдогар суратидаги сардорнинг тадбиркорлиги эса эзгулик тухмини қуритишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам уларнинг бирида мурод ҳосил бўлади, бири эса ўз ҳийласининг қурбонига айланади.

Синчиклаб текшириш оқибатида кампирнинг даъвоси тўлиқ тасдиқланади. Бу билан чекланмаган Нўширавон аркони давлат ва юртнинг улуғлари иштирокида лашкарбошининг иши юзасидан дақиқ савол-жавоб уюштиради. Лашкарбошининг ҳар бир амалини адолат тарозисига солиб тортади. Шундан кейингина “унинг терисини шилиб олиб, гўштини итларга беришларини ва терисини сомонга тўлдириб сарой эшигига осиб қўйишларини” буюради. “Бундан кейин ситам қилувчилар билан фақат қилич воситасида гаплашишини” сарой аёнларига маълум қилади [5,44]. Мана шу қаттиқ сиёсат натижаси ўлароқ юртда мўътадил иқлим, адолат ва осойишталик қарор топади.

Мамлакатда катта нуфузга эга бўлган бир амалдорни, бадавлат бир кишини яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш адолат мезонларига хилоф эмасми?! Унга енгилроқ бир жазо бериб, тарбияласа бўлмасми? Замонасининг зукко ҳуқуқшуноси Низомулмулк айни жумбоқли саволлар туғилишига сира ўрин қолдирмаган. Ҳикоятда Нўширавоннинг узок муддат мулкдор ва амалдорларнинг на молу мулкига, на ҳаётига дахл қилмасдан уларнинг виждонини, иймонини уйғотиш билан ҳидоят йўлига солишга уринганини ҳар томонлама бадиий асослаган.

Ҳикоятдаги воқеалар ривожидан келиб чиқадиган мантикий хулоса шуки, дунё ширин ва жозибалидир. Ундан баҳраманд бўлишга барчанинг ҳаққи бор. Нафсида қаноат бўлмаган амалдор эса айни илоҳий ҳақиқатни унуттади. Ўзига берилган амални чекланмаган ҳуқуқ деб англайди, шунинг учун ҳам унинг дунё неъматларига эҳтиёжи тизгин билмайди. Молу мулки кўпайгани сари яна ҳам ашаддийлашиб бораверади. Ўзининг содда, кифоя қилгудек ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўлган улушига қаноат қилиб яшаётганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бундай мулкдору амалдорларнинг назарига арзимас бўлиб кўринади. Ўзлари, мулклари манфаатлари йўлида имтиёзларидан фойдаланиб, оддий инсонларни босиб, янчиб ўтиб кетишга ҳам тайёр турадилар. Ва аксарият ҳолларда шундай хатти-ҳаракатлари билан ўнлаб кишиларнинг умрига ҳам зомин бўлади.

Шоҳ халққа зулм, жабр-ситам ўтказадиган шундай шафқатсиз, очкўз бир амалдорни ёки мулкдорни ҳаётдан олиб ташлаш билан юзлаб қаноатга таяниб умр кечириётган, бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган жафокашнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади. Нўширавон фармонининг ички мантикидан қуйидаги хулоса келиб чиқади: Шоҳ мамлакатнинг биринчи раҳбари бўлгани учун у жамиятдаги барча устидан холис нозир ва ҳакамдир. Шунинг учун ҳам у қаттиққўллик билан жорий қилган чора-тадбирлар жазо эмас, балки руҳий-маънавий ва тарбиявий моҳият касб этиши, келгусида кутилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларни таг-томири билан йўқотишга қаратилмоғи зарур. Шоҳ ҳукмининг ижросидан кўра, унинг ҳайбати бошқаларни жиноятдан тўхтатиб туриши муҳимдир.

Нўширавоннинг амрига кўра жарчилар етти кун давомида “Кимда-ким бундан буён жабр-ситам қилса, хатто бир халта сомон ё бирорта товук ёки бир боғ кўкатни зулм билан кимдандир тортиб олса, жазоси мана шунақа бўлади, деб юртга хабар берадилар” [5,44].

Лашкарбоши кампирни бутун бор-буди, яъни тирикчилик манбаидан маҳрум қилганлиги учун шундай олий жазога лойиқ кўрилган эди. Энди шоҳ фармонига кўра, сариқ чақага арзимайдиган бир қоп сомонни ёки бир боғ кўкатни бировдан зўрлик билан олган

киши ҳам ўша жазога тортилса, адолат мезони бузилмайдими?! Бу саволга Низомулмулкнинг буюк халафи Шайх Муслихиддин Саъдий “Сиёсатнома”дан (1192) бир юз олтмиш олти йил кейин ёзган “Тулистон” (1258) асаридаги мўъжаз ҳикоят орқали нозик жавоб берган. Шайх Саъдий ҳикоятида нақл қилинишича, шоҳ иштирокида овга чиққан аркони давлат кабоб пиширмоқчи бўлишади. Яқин қишлоқлардан бирига туз олиб келиш учун отланган мулозимга Нўширавон буюради: “Зинҳор тузнинг баҳосин бермай олмағил, то подшоҳлар орасида бу иш расм бўлуб, кентга хароблиғ етмасун” [6,28-29].

Бугунги ўқувчини-да хайратга соладиган мазкур танбех Нўширавон мулозимларини ҳам бефарқ қолдирмаган. Аъёнларнинг нарх-навоси арзимас бир нарса қишлоқ аҳлини қандай хароб қилиши мумкин, деган саволларига шоҳ қуйидагича жавоб беради: “Бурун зулм бунёди жаҳонда бағоят оз эрди, ҳар кишиким келди, онга бир нимарсани зиёда қилди, то бу ғоятга етти” [6,28-29].

Асрлардан асрларга, асарлардан асарларга кўчган сайин комил подшоҳ образи тўлишиб, такомиллашиб борган, адолат мавзуи мумтоз адабиёт намуналарига теранрок сингдирилган. Илдизи олис тарихга бориб тақаладиган адолат мезонлари ва ҳукмдорларнинг ўз фуқаролари билан муносабати қоидаларини ҳар бир ижодкор ўз замонасининг ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, маърифий-мафкуравий талабларига мослаб ривожлантирган.

“Сиёсатнома”нинг таҳлил қилинаётган ва яна бир қатор ҳикоятларида комил подшоҳ иш усулига хос барча даврлар учун муҳим бир хусусият моҳирона ёритилган. Жамият истиқболи, мамлакат тақдири учун қайғурадиган одил шоҳ ўзи таяниб ишлайдиган халқнинг муаммоларини ечишда қабулга, яъни “раият сўзларини бевосита эшитиш”га [5,20-21] вақт топа олиши зарур.

Низомулмулк талқинича, халқ дарду ташвишидан йироқ, ўз шахсий мақсад ва манфаатлари қобиғида яшайдиган айрим сарой аъёнлари кишиларни шоҳ қабулига киритмасликлари ёки элнинг сўзини унга тўғри етказмасликлари, ҳақиқатни бузиб, бўяб, ўзлари каби амалдорларнинг ғаразлари нуқтаи назарида туриб талқин қилишлари мумкин. Ҳикоят муаллифи буни ўз даври тарихий шароити ва одамларнинг маънавий ҳолати билан боғлаб қуйидагича ёритади: “Нега энди саройимиз эшиги ситам қилувчилар учун очиғу ситам кўрганларга ёпик?... Зулм кўрган бирор мутазаллим саройимизга келса, уни менинг олдимга кириб, ҳолини айтишга қўймайдилар. Агар шу кампир саройга йўл топганида, унинг ов қилиш жойига боришига ҳам ҳожат йўқ эди.

Шундан кейин Нўширавон буйруқ чиқаради: бир занжирга кўнғирокларни шундай пастликда осилтириб қўйингларки, етти ёшли боланинг ҳам қўли унга етсин. Бирор-бир мутазаллим саройга келса, эшик қаровулига иши тушмасину шу кўнғирок ипини тортсин ва Нўширавон эшитиб, унинг додини тинглаб, чора қилсин” [5,45]. Узоқ йиллар вазирлик лавозимида ишлаб, кўп ҳаётий далилларга эга бўлган Низомулмулк эллик бобдан иборат “Сиёсатнома”нинг махсус бир фаслини шоҳ ва қабул масаласига бағишлаган. “Подшоҳнинг мазлумларни қабул қилиши...” сарлавҳаси остида уч шоҳ ҳаётидан уч лавҳа келтирган. Ҳажмининг каттаю кичиклигидан қатъий назар бу ҳикоятларда комил шоҳ қиёфасига хос ноёб бир хислат рангин шаклларда ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган [5,20-29].

Ҳар бир мамлакатдаги қонунлар мажмуаси кишилар ҳаётини бошқариб туради. Жумладан, шоҳнинг ҳуқуқ ва бурчларини қафолатлайди. Бир қарашда эса шоҳнинг хоҳиш-иродасини чекловчи қонунлар йўқдай кўринади. Подшоҳлик – кишилик жамиятидаги энг олий мансаб ва чекланмаган ҳуқуқлар унга берилган. Шоҳ ўз мулкида нимани хоҳласа, шуни қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам мумтоз адибларимиз хавф (кўркув) ва ражо (умид) ҳиссини комил инсондаги энг олий туйғу сифатида талқин қиладилар. Мазкур ноёб туйғу эса уларнинг фикрича, кишиларнинг қиёматга нисбатан иймони, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога нисбатан ишончи туфайли шаклланади.

Дунёда инсон кўрқиши шарт бўлган ягона зот Аллоҳдир. Кўрқоқлик – жирканч иллат, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан кўрқиш эса одамдаги барча эзгуликлар манбаи – энг улуғ фазилатдир. Хавф (қиёмат куни азобидан кўрқиш ҳисси) ва ражо (Худодан, охиратдан умид) шоҳни тергаб турувчи, ҳар қандай қонундан қудратли нозир ҳисобланади. “Сиёсатнома”да

Нўширавон айтган “мен Яздоннинг ғазабидан кўрқаман” ҳамда “Маҳбубул-қулуб”да Алишер Навоий одил ва оқил подшоҳга нисбат берган “додхоҳ сўрарда сўруғ куни ваҳми кўнглига ғолиб” фикри ана шу мантиққа таянади. Худди шундай талқин “Қобуснома” ва Шарқ адабиётининг бошқа намуналарида ҳам кузатилади.

Мамлакатда зулм ва ёмонлик барҳам топиши, адолат ҳукм суриши учун шохда қиёмат кунидан ҳайиқиш ҳисси бўлиши зарур. Қалби хавф ва ражо туйғусидан холи худбин амалдор ҳар нарсани ўз тошу тарозиси билан ўлчайди. Ҳамма нарсага ўзини ҳақли деб билади. Ҳар бир ишни ўз раъйига қараб бажарилишини истайди. Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб”нинг “Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида”ги тўртинчи фаслида шундай шохнинг умумлашган образини яратган: “Ўз ношойисти ўз олида хўб ва эл маъқули анга мардуд ва маъюб” [3,15]. Инсон учун ўз ёмон амали ўзига яхши кўринишидан, эл тажрибасида синалган маъқул ишлар унинг назарига қабоҳат бўлиб ташланишидан каттароқ мусибат йўқ. Одам зоти ўз хатоларини ҳис этиш туйғусини йўқотиши оқибатида шундай иллатга мубтало бўлади.

Иймон неъматидан маҳрум, қиёмат кунининг ҳақиқатини англамаган подшоҳ ноҳақ қон тўкишдан ҳам ҳазар қилмайди: “Агар қон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша” [3,15]. Унсурул Маолий Кайковус фикрича, ноҳақ қон тўккан амалдор нафақат қиёматда, балки икки жаҳонда ўз қилмишига яраша жазо топади. У фоний дунёда ўзидан ёмон ном қолдиради. Одамларнинг умиди, ишончи ундан узилади. Ва ҳатто унинг қисматидаги жазо бу оламда фарзандлари тақдирига битилиши мумкин. Шунинг учун ҳам улуғ аллома ёзади: “Эй фарзанд, ўзингга, фарзандларингга раҳм қилғил ва ноҳақ қон тўкмагил” [1,69]. “Қобуснома”да мазкур фикрдан сўнг далилловчи ҳикоят келтирилган. Ҳикоят 976-1012 йилларда Журжон амири сифатида салтанат сурган муаллифнинг бобоси Шамсул Маолий Қобус ибн Вушмагир ҳаётдан олинганлиги билан муҳим бадиий-ғоявий қиммат касб этган [1,69].

“Анбиё” сурасининг ўн биринчи ояти каримасида зулмнинг куфрдан ёмон эканлиги таъкидланган [7, 221]. Мумтоз адибларимизнинг шох ва шохлик ҳақидаги қарашларини мазкур ояти карима моҳиятидан ташқарида тасаввур қилиш мумкин эмас. Унсурул Маолий Кайковус “Қобуснома”да ояти карима ҳақиқатини катта инсоний ва ижодий жасорат билан бобоси Шамсул Маолий тақдири мисолида кўрсатган. Мазкур илоҳий ҳақиқат Шайх Муслиҳиддин Саъдий “Гулистон”ининг “Подшоҳлар сийрати зикрида”ги аввалги бобидан ўрин олган аксарият ҳикоятлар мағзида туради.

Ибтидосидан интиҳосигача шох ва шохлик, мамлакат ва мамлакатдорлик масалалари юзасидан баҳс юритилган “Сиёсатнома” мундарижасида ҳам эслатилган ояти карима муҳим ғоявий йўналишлардан бирини белгилайди. Низомулмулк асарнинг муқаддимавий фаслларида бирида сарлавҳа остида ояти кариманинг дастурий моҳиятини очиқ қайд қилади: “Дин улуғлари айтганларки, “Ал мулку ябқа маъал – куфри ва ло ябқа маъаз – зулми”. Маъноси шуки, мулк куфр ила мавжуд бўлиши мумкин, зулм била эса барбодликка маҳкумдир” [5,19].

Алишер Навоий талқинида эса зулм ва куфр, золим ва кофир тушунчалари ёнма-ён қўлланилади ва деярли бир хил маънони англатади: “Агар (шоҳ) зулмпеша – элида ҳам зулмидин андиша... Агар ул куфрхисол – элга доғи куфр тарийқи афъол” [3, 20]. Шохда мустаҳкам иймон-этиқод, соғлом мафкура бўлмаса, бу унинг халқи маънавиятига ҳам жиддий зарар еткази. Иймон-этиқодсиз кимсага Қуръони каримнинг оят-мўъжизалари ҳам, қиёмат кунидан бўладиган ҳисоб-китоблар билан кўрқитув ҳам фойда бермайди. Улуғ ўзбек мутафаккири талқинларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, шох фаолиятидаги барча ишлар соғлом мафкура асосида ислоҳ қилинмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Соф ва мустаҳкам мафкура асосида амалга оширилган ҳар бир иш комил жамият сари қўйилган бир муҳим кадамдир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Kaykovus. *Qobusnoma*. - Toshkent: Meros, 1992. - 175 b.
2. Navoiy A. *Mahbulbul-qulub*. Buxoro san'at muzeyi xazinasidagi 27780-raqamli qo'lyozma. - 121 v.
3. Navoiy A. *Mukammal asarlar to'plami*. 20 jildlik, 14-jild. - T.: Fan, 1998. - 304 b.



4. Navoiy A. *Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 16-jild.* - T.: Fan, 2000. - 336 b.
5. *Nizomulmuluk. Siyosatnoma yoki siyar ul-muluk.* - Toshkent: Adolat, 1997. - 256 b.
6. Sa'diy Sheroziy. *Guliston.* - Toshkent: A.Qodiriy, 1993. - 101 b.
7. *Qur'oni karim. O'zbekcha izohli tarjima.* - Toshkent: G'.G'ulom, 1992. - 496 b.
8. *G'azzoliy. Ihyou ulumiddin. Birinchi kitob.* - Toshkent: Movarounnahr, 2003. - 232 b.
9. *G'azzoliy. Tavba kitobi.* - Toshkent: Movarounnahr, 2003. - 148 b.
10. *Hayitov Sh. Alisher Navoiyning ko'ngil gulshani.* - Buxoro: BuxDU, 2000. - 166 b.

УДК: 87

## ШАХРИЗОДА ҲИКОЯТЛАРИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТЛАРНИНГ АЁЛЛАР ОБРАЗИДА АКС ЭТИШИ

### ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТИНЫ В ОБРАЗАХ ЖЕНЩИН В РАССКАЗАХ ШАХРИЗАДЕ

### HISTORICAL TRUTH IN THE IMAGES OF WOMEN IN SHAKHRIZAD STORIES

*Астанова Гулнора Аминовна*

*БухДУ ўзбек тилишунослиги каф. доц.*

*Astanova Gulnora Aminovna*

*assoc.prof. department of uzbek linguistics, BSU*

**Аннотация.** “Шаҳризода ҳикоятларида тарихий ҳақиқатларнинг аёллар образида акс этиши” номли мақолада аёллар образи билан боғлиқ асарнинг айрим ҳикоятларида ифода этилган лавҳаларнинг тарихий ҳақиқатлиги илмий асосланади. “Минг бир кеча”даги ватанпарвар аёлларнинг образи Шарқ халқлари, шу жумладан Марказий Осиё халқларига хос бўлган “Томарис” ва “Зарина” сингари қадимги замонларга бориб тақалади.

**Таянч сўзлар:** “Минг бир кеча”, ҳикоят, эртак, канизак, тарих, аёллар образи.

**Аннотация.** Статья «Историческая правда в образах женщин в рассказах Шахризад» научно основана на исторической достоверности рассказов, представленных в некоторых рассказах, связанных с женскими образами. Образ патриотичной женщины в «Тысячи и одной ночи» уходит корнями в древние времена, такие как «Томарис» и «Зарина», общие для народов Востока, в том числе Средней Азии.

**Ключевые слова:** “Тысяча одна ночь”, рассказ, сказка, служанка, история, образ женщины.

**Annotation.** The article entitled “Historical truth in the images of women in Shakhrizad stories” is scientifically based on the historical authenticity of the stories presented in some stories related to female images. The image of patriotic women in “A Thousand and One Nights” has its roots in ancient times, such as “Tomaris” and “Zarina”, which are common to the peoples of the East, including Central Asia.

**Key words:** “1001 nights”, story, fairy tale, maid, history, the image of a woman.

“Минг бир кеча” асарида Шарқ халқлари ҳикмати, бадий тафаккури акс этган. Чунки шарқ халқлари қадимий ва жуда бой маданиятга эга халқлар сирасига киради. Бу маданиятнинг илдизлари юнон, форс, ҳиндлар, Хитой ва Рум халқлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари яратган маданиятга бориб тақалади. Бой ёзма адабиётга эга Шарқ халқлари оғзаки поэтик ижоднинг ҳам катта ва ранг-баранг дурларга тўла хазинасини яратди. Шарқ халқлари матал ва масаллари, мақол ва ҳикматлари, эртак ва ҳикоятлари асрлар самараси, халқ донолигининг, сўз санъатининг инжулари сифатида вужудга келди, халқнинг тарихини, турмушини, курашини, оғир ва мусибатли кунларини, шодиёна ва бахт-саодат ҳақидаги орзу-тилақларини ифодалади, халқнинг кучига куч, шуурига шуур қўшди, халқ энг яхши асарларини ардоқлаб сақлади ва уни бир ипга тизиб китоб шаклига келтирди. Ниҳоят, “Минг бир кеча”дек буюк асар дунё юзини кўрди.